

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИКИШИ.

№ 186 (4392).

23
СЕНТЯБРЬ

ПАИШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЙИЛЛИК ПЛАН—1 ОКТАБРГА

БЕКТЕМИР (Телефон орқали олинди). Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номли колхоз аъзолари пахта териш ва тайёрлаш суръатини кун сайин оширишмоқдалар. Далага «зангори кема»лар қаровни чиқарч суръат янада ошиб кетди. Колхоз ҳар куни 4—4,5 процентдан, ҳатто ундан ҳам ошириб пахта топира бошлади.

Шу кунгача тайёрланган пахта 70 процентдан ошди. Азамат колхозчилар, фидокор механизаторлар дала ишларини янада жадаллаштириш учун курашмоқдалар. Кеча колхоздан келтирилган пахта қабул пункти ҳисоби-

да 5 процентни ташкил этди. Колхоз аъзолари бундан кейин пахта топиришини янада кучайтириш ниятдалар. Улар йиллик планни 1 октябргача бажарамиз, демоқдалар. Шунда ҳар гектар ердан 26 центнердан «оқ олтин» топирилган бўлади.

—Мажбуриятимиз гектаридан 32 центнердан ҳосил олиш, — дейди колхоз раиси Мирзи Рўзиматов, — биз бу социалистик мажбуриятимизни октябрь ойининг биринчи ўн кунлигига адо этиш учун барча куч ва техника тўла сафарбар этамиз.

ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАЙЛИК!



Сентябрнинг учинчи ўн кунлигида ҳам республика байроғини сақлаб қолиш учун кун сайин кўпроқ пахта топирайлик. Кеча юқоричирчиқликлар 5,74, оққўрғонликлар 4,64 процентдан пахта тайёрладилар. Илғорлардан ўртак олиб, ҳар куни 4-4,5 процентдан „оқ олтин“ етказиб бериш учун курашингиз. Юқори чирчиқлик „зангори кема“ капитанлари 22 сентябрь куни 9,80 процент пахтани бункерлардан тўкдилар. Ҳамма ерда машиналарнинг тўла ва юқори унум билан ишлашига эришайлик.

ДАЛА ШУНҚОРЛАРИ

● ОҚҚЎРҒОНДАГИ «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозда ўйлаб «зангори кема» пой-сиз пахта далаларида кеча ва кундуз гувиллаб ишламоқда. Совхоз механизаторлари иш унумини тобора ошириб, машъал хўжаликнинг шарафига лойиқ меҳнат қиламиз, демоқдалар. Давлатга топирилатган пахтанинг тонналари тобора ошмоқда, қабул пунктидаги бунтлар кўкка бўй чўзмоқда.

Дастлабки кунларда ҳар бир машина билан 3—4 тоннадан пахта терилган бўлса, ҳозир бу миқдор 5—5,5 тоннага кўтарилди. Механизаторлар мусобақасида Нишонбой Қўзиев олдинги сафларда бормоқда. У бу йил 120 тонна пахта теришга аҳд қилган. Суратларда: (чапдан) Далада терим пайи. (Ўнгдан) Нишонбой Қўзиев.

А. Абалин фотолари.



400.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТЕРИШ ВА
ДАВЛАТГА ТОПИРИШ БЎНИЧА
ШУ ЙИЛ 22 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
(Процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Ўрта Чирчиқ	4,38	39,05	4,56	37,49
Юқори Чирчиқ	5,74	35,04	9,80	51,75
Бекобод	2,81	34,47	3,22	30,90
Пискент	4,09	32,19	4,34	24,62
Бўна	3,32	25,88	3,72	23,06
Оққўрғон	4,64	23,91	5,49	22,35
Янгийўл	2,74	23,79	2,08	8,16
Область бўйича	3,83	29,57	4,39	25,96

ИЛҒОР ЛУБКОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети ва область икромия комитети районлар ва хўжаликлар ўртасида давлатга қаноп топириш юзасидан бошланган социалистик мусобақанинг 1971 йил сентябрь ойи иккинчи ўн кунлиги якуларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область икромия комитетининг кўчма Қизил байроғи Янгийўл районидagi «Қизил Октябрь» колхозига (раиси Очидов, партия ташкилотининг секретари Турдубоев, бош агрономи Азаматов ўртоқлар) берилди. Колхоз давлатга қаноп топиш бўйича ўн кунлида 40,6 процент ўсшига эришиб, мавсум бошидан бери планни 108,2 процент бажарган.

Кўчма Қизил байроқ Ўрта Чирчиқ районидagi «Поларная звезда» колхозидан олиб берилди. Район давлатга

қаноп топиш бўйича сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида 30,6 процент ўсшига эришиб, мавсум бошидан бери планни 97,1 процент бажарган.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЮГОСЛАВИЯГА ЖЎНАБ КЁТДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг раиси ўртоқ Йосип Броз Титонинг таклифига биноан гафрий расмий дўстона визит билан 22 сентябрда Москвадан Белградга жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Капустин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар мишистрининг ўринбосари ўртоқ Н. Н. Родионов ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга Югославияга кетишди.

Г. И. Воронов, В. В. Гришин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Ма-

зуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Сулов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Б. П. Бугаев, В. В. Кузнецов, Г. С. Павлов, Г. Э. Пуканов, Н. А. Шелюков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. К. Цвигун, КПСС Марказий Комитети ва СССР Ташқи ишлар мишистрининг масъул ходимлари ўртоқ Л. И. Брежневни Внуково аэродромидан кузатиб қўйишди.

Кузатиб қўйувчилар орасида Югославия Социалистик Федератив Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Т. Липовский, Югославия элчихонасининг дипломатик ходимлари ҳам бор эди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЮГОСЛАВИЯГА КЕЛДИ

БЕЛГРАД. 22 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг раиси ўртоқ Йосип Броз Титонинг таклифига биноан бугун гафрий расмий дўстона визит билан Югославия Социалистик Федератив Республикасига келди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Капустин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг

аъзоси, СССР Ташқи ишлар мишистрининг ўринбосари ўртоқ Н. Н. Родионов ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга Белградга келди.

«Белград» аэродроми СССР ва ЮСФР давлат байроқлари, Югославия Коммунистлар Союзининг байроқлари билан безатилган, қизил аловга «Хуш келибсиз, ўртоқ Л. И. Брежнев!» деган табрик сўзлари ёзилган.

Аэродромда ўртоқ Л. И. Брежневни Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг раиси ўртоқ Йосип Броз Тито, Югославия Коммунистлар Союзининг Президиуми Икромия бюро-

ДУСТОНА ВИЗИТ

сининг аъзолари Э. Кардель, М. Тодорович, К. Црвенковский, Н. Диздаревич, К. Глигоров, Югославия Социалистик Федератив Республикаси Иттифоқи Икромия вечасининг раиси Д. Биедич, Югославия Социалистик Федератив Республикаси Президиумининг аъзоси, Югославия Коммунистлар Союзининг конференцияси доимий қисмининг аъзоси В. Мичунович, иттифоқ ташқи ишлар секретари М. Тепаван, Югославия Коммунистлар Союзининг Президиумининг аъзолари, Иттифоқи Икромия вечасининг аъзолари, югославия партия, давлат ва

жамоат арбоблари кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Югославия Социалистик Федератив Республикасидаги элчиси В. И. Степанов, совет элчихонасининг ходимлари бор эди. Югослав пионери Л. И. Брежневга гулдаста тақдим этди.

Оркестр СССР ва ЮСФР давлат гимнларини ижро этади. Л. И. Брежнев кутиб олувчилар билан самимий саломлашади. Шундан кейин Л. И. Брежнев билан Йосип Броз Тито микрофон ёнига келадилар.

Ўртоқ Йосип Броз ТИТО нутқи

Хурматли ўртоқ Брежнев! Хурматли меҳмонлар! Ўртоқлар!

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, сиз ва Совет Иттифоқидан келган бошқа ўртоқларини Югославия халқлари номидан ва ўз номидан табриклаш ва сизларга «Хуш келибсизлар!» деб айтиш, мамлакатимизда кўнгли хушлик билан меҳмон бўлишлар, деган тилакни билдириш менга айниқса ёқимлидир.

Сизнинг мамлакатимизга келишингизни биз иккала мамлакатнинг дўстлигини мустаҳкамлаш ва ҳамкорлигини кенгайтиришга, шу тариқа иккала социалистик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада муқим ва самарали муносабатлар бўлиб қолишига интилий ифодаси деб биламиз.

Шу дамгача ўрнатилган муносабатларни мустаҳкамлаш билан бирга, Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасида яна-

да кўпроқ самарали ҳамкорлик қилиш истифодаларини очиб ва янги имкониятларини қидириб топиш мақсадида вақти-вақти билан фикрлашиб туриш лозим бўлган аниқгина муқим масалалар ҳақида ҳам топилади. Мамлакатларимизнинг иккала-си ҳам бундан манфаатдордирлар, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг бу сафарини музокарапарлик ҳам иккала мамлакатимиз ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурматга асосланган ҳамкорлигини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилишига аминман.

Бизнинг бу учрашувимиз халқаро муносабатларга мушкуллик туғдириб турган актуал халқаро масалалар устида ҳам фикрлашиб олиш имконини беради, ўз-ўзидан равшанлик, иккала мамлакатимиз ҳам, шунингдек, умуман халқаро ҳам-жамият ҳам бу масалаларнинг ҳал этилишидан манфаатдор.

Бошқа ҳамма халқлар синга-

ри бизнинг халқларимизга ҳам ўзимизнинг иқомиди куч-гайратларимизни бахтиёр келажакни кўришга қарата олишимиз учун барқарор тинчлик керак.

Ахволнинг янада кескинлашишига йўл қўймаслик ва дунёнинг ривожини тўғри йўлдан олиб бориш учун барча тинчликсевар кучларни максимал даражада сафарбар қилишнинг ҳозирги халқаро ахвол талаб қилмоқда. Бойларга қўшилмаган ва социалистик мамлакат бўлиши Югославия тинчлигини ва тенг ҳуқуқли халқларо ҳамкорлигини сақлаш соҳасидаги куч-гайратларини антив қўлаб-қувватламоқда.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Хурматли ўртоқ Тито! Ўртоқлар ва дўстлар! Самимий кутиб олганлигингиз учун сизларга миннэтдорлик ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР ҳукумати ва бутун совет халқи номидан сизларга, сизлар орқали Югославия Коммунистлар Союзини ва қардош Югославиянинг барча граждандарига қизгин салом ва энг яхши нестаклар олиб келишим.

Меҳмондўст Югославия диди-рига ҳар сафар келиш биз учун ҳар доим қувончли ва катта воқеадир. Биз дўстлар билан суҳбатлашамиз, дўст социалистик мамлакатнинг коммунистлари, меҳнатнашлари билан учрашамиз.

Биз бир қанча муқим масалаларни муҳомама қилмоқ учун бу ерга ўртоқ Йосип Броз Ти-

Хурматли ўртоқ Брежнев!

Гарчи сиз мамлакатимизда қисқа вақт бўлсангиз ҳам, мен шунга аминманки, сиз бизнинг одамларимиз билан учрашган вақтингизда Югославия халқлари Совет Иттифоқи халқлари да самимий дўст эканлигини ва иккала мамлакатимизнинг халқлари билан ҳукуматлари ўртасида яхши муносабатларни ривожлантиришга интилаётганликларини ҳис қилиш имкониятига эга бўласиз.

Сўзининг охирида яна бир бор сизга «Хуш келибсиз!» деб айтишга ижозат бергайсиз.

КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлайди.

тонинг таклифига биноан келди. Бу масалалар ҳар хил. Шу масалаларнинг баъзилари Совет-Югославия муносабатларининг ҳолатига ва бу муносабатларини янада ривожлантиришга, шу жумладан партия-лий алоқаларни ривожлантиришга тааллуқлидир. Баъзилари мажон майдонидagi ишларнинг ахволига, халқаро турмушнинг актуал воқеаларига, дахлдордир, империализм ва реаксиянинг агрессив кучларига қарши, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашдаги вазифаларимизга дахлдордир.

Биз ўртоқ Тито билан ва Югославиянинг бошқа раҳбарлари билан биринчи марта учрашганимиз йўли, бу учрашувларнинг таърибиса эса бизнинг бенисота алоқа қилиб туришимиз зарур ва фойдаланган эканлигини кўрсатмоқда. Биз

аминимизки, бу сафарги фикрлашулар ҳам совет ва югослав халқларининг дўстлигини ва ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бу қардошларга дўстлик кенгайтиб, мустаҳкамлаверсин, партияларимизнинг, мамлакатларимизнинг ва халқларимизнинг ҳамкорлиги социализм ва тинчлик манфаатлари йўлида йилдан-йилга ривожланаверсин!

Л. И. Брежнев ва Йосип Броз Тито ўртоқларнинг нутқлари аўр эътибор билан тингланган ва қарасаклар билан кутиб олинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия гвардиячиларининг факрий қоровули сафини айланиб чиқадилар. Сўнгга Л. И. Брежнев билан Йосип Броз Тито машинага ўтириб, шаҳарга йўл оладилар.

СССР ва ЮСФР давлат байроқлари билан, рус ва серб-хорват тилларида: «Совет Иттифоқи халқларига дўстлик салом!» деган сўзлар билан транспарантлар билан безатилган Белград кўчалари ва майдонлари шу тонгда ўн минглаб кишилар билан гавжум эди. Югославия пойтахтининг аҳолиси Л. И. Брежневни қизгин қарасалар ва самимий табрик сўзлари билан кутиб олганлиги Югославия халқларининг совет халқига ишбатар дўстлик, қардошлиқ туйғуларининг ёқин ифодаси бўлди.

Н. КОЛОСОВ,
И. ТИТОВ.

